

САЛИХОДЖАЕВА УМИДА АБДУАКБАР ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ СТАТИСТИК
ТАДҚИҚИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

САЛИХОДЖАЕВА УМИДА АБДУАКБАР ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ СТАТИСТИК
ТАДҚИҚИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Мундарижа:

| | |
|--|------------|
| Кириш | 3 |
| I Боб. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 13 |
| 1.1. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолашнинг назарий-услубий жиҳатлари..... | 13 |
| 1.2. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичлари тизими..... | 24 |
| 1.3. Хорижий давлатларда аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш бўйича халқаро тажрибалар ва улардан маҳаллий даражаларда фойдаланиш йўллари..... | 40 |
| Биринчи боб бўйича хулоса..... | 56 |
| II Боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ҲОЛАТИ ВА УНДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИ СТАТИСТИК УСУЛЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ..... | 58 |
| 2.1. Аҳоли турмуш даражасининг ҳолати ва ундаги ўзгаришларни иқтисодий-статистик таҳлили..... | 58 |
| 2.2. Аҳоли турмуш даражасидаги ўзгаришларнинг махсус статистик усуллардаги таҳлили..... | 70 |
| 2.3. Уй хўжаликлари бюджети статистикасининг услубий жиҳатлари..... | 85 |
| Иккинчи боб бўйича хулоса..... | 102 |
| III Боб. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ВА УНДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ..... | 104 |
| 3.1. Аҳоли турмуш даражаси ва ундаги асосий тенденцияларнинг эконометрик моделларини тузиш..... | 104 |
| 3.2. Аҳоли турмуш даражасининг истиқболдаги ҳолатини кўп вариантли статистик прогнозларини ишлаб чиқиш..... | 113 |
| 3.3. Аҳоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари..... | 124 |
| Учинчи боб бўйича хулоса..... | 132 |
| Хулоса | 138 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 146 |
| Иловалар..... | 146 |

Кириш

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилишига қарамай, у кўп омилли масала эканлиги сабабли камбағаллик асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йилда қабул қилинган «Минг йиллик ривожланиш дастури» ҳамда 2015 йилда тасдиқланган «2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсад ва 169 та вазифалардан иборат, барқарор ривожланиш мақсадлари»¹да дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини асраш, фаровон турмуш кечиришига қаратилган муҳим чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. «Дунёда 800 миллиондан зиёд кишилар ҳали ҳам кунига 1,25 АҚШ доллардан камроқ маблағга яшайдилар, уларнинг кўпчилиги етарли озиқ-овқат, тоза ичимлик суви ва санитария шароитларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар»². Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини ошириш, жумладан камбағаллик чегарасини камайтириш ва бандлик даражасини ошириш масалалари долзарб муаммолар таркибига киради.

Жаҳонда иқтисодиётнинг таркибий-технологик ва касблар классификациясидаги кескин ўзгаришлар шароитида аҳоли турмуш даражасини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишда сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш, жиноятчиликни камайтириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш, бандлик ва барқарор даромад сингари йўналишлар бўйича кўрсаткичларни статистик таҳлил усулларини такомиллаштириш, уларга таъсир этувчи

¹ <https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/goal-01/>

² <https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/goal-01/>